



GREEN  
CLIMATE  
FUND



# Табиий офатлар вақтида аҳолини ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ



**Эвакуация** – одамлар ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри хавф туғирадиган ҳудудлардан уларни хавфсиз жойларга тартибли равишда олиб чиқишдир.

**Эвакуациянинг мақсади:** одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, жароҳатларнинг олдини олиш ва моддий зарарларни камайтириш.

## Муваффақиятли эвакуация учун муҳим омиллар

### Олдиндан режалаштириш



- Маҳалла учун эвакуация режасини ишлаб чиқиш;
- Аёллар, болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай бўлган йўналишлар ва тўпланиш пунктларини белгилаш;
- Фавқулодда вазият учун тўпламлар ва зарур инфратузилмани тайёрлаш;
- Аёллар ва эркакларнинг тенг иштирокида мунтазам машғулотлар ўтказиш.

### Аҳолининг хабардорлигини ошириш



- Ҳар бир оила учун ўқув машғулотлари;
- Кенг жамоатчилик учун мўлжалланган огоҳлантиришлар (карнай, радио, СМС ва бошқалар);
- Аёллар, эркаклар, ёшлар, болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган эслатма ва плакатлар тарқатиш;
- Маҳаллий ҳокимият ва ФВВ билан ҳамкорликни кучайтириш.

### Транспорт ва логистика



- Етарли миқдордаги автобус, автомобил ва маҳаллий транспорт воситалари;
- Ҳомиладор аёллар, болалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни хавфсиз ташиш имконияти;
- Йўл ҳолатидан келиб чиқиб аниқ йўналиш ва чиқиш жадвали.

### Тайёр ҳолдаги вақтинчалик жойлаштириш пунктлари



- Мактаблар, масжидлар, клуб ва ҳокимият бинолари вақтинчалик бошпана сифатида;
- Ичимлик суви, озиқ-овқат, дори-дармон, адёл ва матрас захиралари;
- Санитария ва гигиена шароитлари, аёллар ва эркаклар учун алоҳида жойлар.

## ЭВАКУАЦИЯ ТУРЛАРИ

### 1. Мустақил эвакуация

– Аҳоли ўз кучи билан хавфсиз ҳудудга етиб бора оладиган ҳолатлар

### 2. Ташкилий (уюштирилган) эвакуация

– ФВВ ва маҳаллий ҳокимият раҳбарлигида олиб борилади

### 3. Қисман эвакуация


– Фақат эҳтиёжманд гуруҳлар: ҳомиладор аёллар, болалар, кексалар, ногиронлар

### 4. Тўлиқ эвакуация

– Бутун маҳалла ёки тумanning кўчирилиши

### 5. Ҳаракатланиш усули бўйича

– Пиёда, транспортда ёки аралаш



## ЭВАКУАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ

Фавқулдда  
тўпламни тайёрланг  
(3 кунлик сув,  
озик-овқат,  
дори-дармон,  
ҳужжатлар, фонар)



Эвакуация  
режаси ва энг  
яқин тўпланиш  
пунктига бориш  
йўлини ўрганинг



Оилада болалар, кексалар ва уй  
ҳайвонлари учун масъул шахсни  
белгиланг












Ўқув машғулотларида  
фаол иштирок этинг



**Офат содир бўлишидан олдин**

Ҳар бир оилада қуйидаги минимал “Фавқулудда тўплам” бўлиши керак:

Буюмлар	Миқдори (1 киши учун)	Изоҳ
Сув 	Кунига 3 литр	Герметик идишларда
Узоқ сақланадиган озиқ-овқат 	1–2 кг	Консерва, қотирилган нон
Биринчи ёрдам дори қутиси 	1 та тўплам	Бинт, антисептик, пластир, учбурчак рўмол, иситма туширувчи, аллергияга қарши дори, куйиш ва ҳашарот чақиши учун восита, диареяга қарши дори, болалар памперси, аёллар гигиена воситалари
Шахсий дори-дармонлар 	Рўйхат бўйича	Рецепт ва кўрсатмалар бўйича
Радиоқабул қилгич + батареялар 	1 та	Қўшимча 4 та батарея
Фонар (қўл ёки бошга тақиладиган) 	1 та	AAA захира батареялари
Ҳужжатлар 	Нусха + оригинал	Сув ўтказмайдиган пакетда
Нақд пул 	3–5 кунлик	Майда купюралар
Телефон + повер-банк 	1 та тўплам	USB-кабели билан
Иссиқ кийимлар 	Ҳар бир оила аъзосига	Бош кийим, аёл, резина этик, куртка

Вазиятга аралашмасдан,  
саросимага тушмай,  
белгиланган йўналиш  
бўйича уйни тарк  
этинг



Фақат кўрсатилган  
эвакуация йўлларида  
фойдаланинг



Болалар, кексалар ва ноги-  
ронлиги бўлган кўшниларга  
ёрдам беринг



Тўпланиш пунктида  
рўйхатдан ўтинг ва  
кўрсатмаларга амал  
қилинг



### Офат вақтида

Тиббий кўриқдан  
ўтинг, керак бўлса  
психологик ёрдам олинг



Зарарни ҳужжатлаштиринг  
(фото, рўйхатлар)



Уйга фақат расмий  
рухсатдан сўнг қайтинг



Маҳалла тиклаш  
ишларида иштирок этинг



### Эвакуациядан кейин

#### ВАҚТИНЧАЛИК ЖОЙЛАШТИРИШ ПУНКЛАРИ

(Мактаб, тиббиёт пункти, масжид, маъмурий бино  
ёки чодирлар шаҳарчаси)

Бу пунктлар қуйидаги жиҳозларга эга бўлиши керак:

- Ётоқ жойлари: матрас, каравот, аёёл
- Етарли миқдорда озиқ-овқат ва ичимлик суви
- Таом тайёрлаш ва иситиш жойи
- Бирламчи тиббий ёрдам бурчаги
- Ҳар хил гуруҳлар эҳтиёжларини ҳисобга олган санитария-гигиена шароитлари
- Аёллар ва эркаклар учун алоҳида зоналар
- Эълонлар учун ахборот бурчаги
- Мобил телефонлар учун қувватлаш маркази



